

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ ҒАЙРАТ АБДУЛЛАЕВИЧ**

**СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ГИМНАСТИКА ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ  
ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ  
КОРРЕКЦИЯЛАШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлариназарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Юсупов Гайрат Абдуллаевич**

Соғломлаштирувчи гимнастика воситалари орқали талаба ёшларнинг  
жисмоний ривожланишини коррекциялаш методикаси.....5

**Юсупов Гайрат Абдуллаевич**

Методика коррекции физического развития студенческой молодёжи  
средствами оздоровительной гимнастики.....29

**Yusupov Gayrat Abdullaevich**

Methodology for correcting physical development of student youths means of  
health-improving gymnastics.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ ҒАЙРАТ АБДУЛЛАЕВИЧ**

**СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ГИМНАСТИКА ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ  
ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ  
КОРРЕКЦИЯЛАШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1491 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Сафарова Дилбар Джамаловна</b> биология фаълари номзоди, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Котбахтнев Ильдар Аҳмедович</b> педагогика фаълари доктори, профессор <b>Данисева Яркин Чорисевна</b> педагогика фаълари номзоди, доцент
<b>Ётақчи ташкилот:</b>	<b>Фарғона давлат университети</b>


Диссертация химояси **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети** ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "8" сентябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "Б" биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.)

Диссертация билан **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (210 925 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27. факс:(0-370) 717-17-76,

Диссертация автореферати 2021 йил "23" сентябр куни тарқатилди.  
(2021 йил "23" сентябр даги 20 рақамли реестр баённомаси)

*И. Д.*

Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор  
**М.Х. Миржадидов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор  
**Ф.А. Қеримов**



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг кўпгина мамлакатларида соғлом миллатни шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда мамлакат аҳолисини соғломлаштириш, меҳнат қобилияти ва меҳнат самарадорлигини ошириш масалалари устувор йўналишлардан бўлиб қолмоқда. Ҳозирги замонда юқори ҳаёт суръати, минтақалардаги ноқулай экологик шарт-шароитлар, сурункали стресслар ва соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилмаслик бир қатор касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу сабаб, инсон саломатлигини илмий жиҳатдан асосланган турли воситалар билан юқори даражага кўтариш муаммоси муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётини кузатиш натижасида шунга амин бўлиш мумкинки, спортга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларнинг жисмоний сифатлари, спорт турлари бўйича техник-тактик ҳаракатлари юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Айнан аҳолининг барча қатламларини оммавий спорт билан шуғулланишга жалб қилишни такомиллаштириш, шу билан бир қаторда спортга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларни жисмоний тайёргарлигида асосий гимнастика воситаларини амалиётга жорий қилиш талабини қўймоқда. Жумладан, талаба-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга қизиқишларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шу сабаб талаба ёшларни функционал, жисмоний тайёргарлигини ошириш юзасидан илмий ишлар амалга оширилган. Бироқ талаба ёшларнинг жисмоний ривожланиш даражаси билан бирга саломатлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлари ўрганилмаган. Спортга ихтисослашмаган олий таълимда таҳсил олувчи талабаларни соғломлаштирувчи гимнастика воситалари орқали жисмоний ривожланиши ва уларнинг саломатлигини коррекциялаш ишлари юзасидан илмий тадқиқот ишларининг олиб борилмаганлиги диссертация ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Республикамизда олий таълим тизимини модернизация қилиш янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда амалга оширилмоқда ва унинг олдига рақобатбардош, жисмонан ва маънан етук, кенг доирадаги интеллектуал салоҳиятга ва юқори ишчанлик қобилиятига эга малакали кадрларни тайёрлаш вазифасини қўймоқда<sup>1</sup>. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбияга ажратилган соатларнинг мунтазам камайиб бориши кузатилмоқда, ваҳоланки жисмоний тарбия дарслари кўпчилик талабалар учун ҳаракат фаоллигини сақлаб қолишнинг ягона йўлидир. Ундан ташқари, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича машғулотларнинг ягона услубияти йўқ, талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ва саломатлигида оғишлари бўлган ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган. Жисмоний тарбия воситалари ёрдамида талаба-ёшлар организмнинг ички заҳираси даражасини анча ошириш,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масаларига бағишланган йиғилишда” ги нутқи, 2018 йил 21 сентябрь, “Халқ сўзи газетаси”, 1-2 бет.

саломатлигида учрайдиган турли ўзгаришларни олдини олиш ёки ривожланиш суръатини камайтириш масалалари долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бири Р.Г.Узянбаева, Ю.М.Юров, О.А.Мельникова, О.А.Козлова, С.Г.Оболочков, И.Н.Юрченя, Н.А.Барташевич, Н.А.Саркисова, В.А.Абаев, Т.В.Барышникова, Е.Ю.Кизиляеваларнинг фикрича, саломатлигида оғишлари бўлган талабалар билан ишлаш ҳисобланади, бундай талабалар контингенти ўртача 5% дан 20%гача атрофида<sup>2</sup>. Е.Н.Максимова, Е.К.Гильфанова, М.Ассекретов, О.Н.Кривошекова, С.Е.Бабинов, Т.И.Крылов, С.Н.Якименко, И.Н.Григорьеваларнинг маълумотларига кўра, олий таълим муассасалари битирувчиларини 42% да сурункали касалликлар, 50% да морфофункционал патология учрайди<sup>3</sup>. В.К.Спирин, Л.А.Семенов, С.П.Миронова, Д.А.Беляеваларнинг маълумотларига асосан талабаларнинг саломатлигидаги оғишлар, нозологик тузилишига кўра, аксарият таълим муассасаларида қўйидагича тақсимланган: таянч-ҳаракат аппарати касалликлари 34%, юрак-қон томир тизими касалликлари 22%, кўриш аъзолари касалликлари 12%<sup>4</sup>.

<sup>2</sup>Узянбаева Р.Г. Комплексный подход к формированию культуры здоровья студентов //Теория и практ. физ. культ., 2007, №5, с. 49-51, Юров Ю.М. - Кластерно – модульный подход в физическом воспитании студентов с ослабленным здоровьем. / Учебно – методическое пособие по физической культуре. Тамбов, 2008, стр. 3-10, стр.66., Мельникова О.А. - Дифференцированный подход в физическом воспитании студентов специальной медицинской группы с дисплазией соединительной ткани. // Теор. и практ. физ.культуры, № 2, 2009, стр. 78., Козлова О.А. - Дифференцированная методика физического воспитания студентов с учетом их нозологии и психофизического состояния. // Теория и практика физической культуры, № 9, 2010, стр. 69., Оболочков С.Г. Программно-методическое обеспечение занятий с девушками специальной медицинской группы на младших курсах педагогического вуза. //Теория и практ. физ. культуры, 2010, №2, 48 с., Юрченя И.Н., Барташевич О.Н., Саркисова Н.А. В.А.Абаев, Т.В.Барышникова, Е.Ю.Кизиляева Оценка состояния здоровья студенческой молодежи,обучающейся в неспортивных вузах.// Сб. материалов Всероссийской научно-практической конференции с межд.участием, Инновационные технологии в системе спортивной подготовки, массовой физической культуры и спорта,-17-18 октября 2019г. С-Петербург.,стр.221-223.

<sup>3</sup>Максимова Е.Н.- Индивидуальный ориентированный подход к физкультурному образованию студентов специальной медицинской группы аграрного вуза. / Диссертация кандидата педагогических наук Смоленск, 2006.,181с., Гильфанова Е.К., Аглеев В.Ф. , 2009,Применение фитнес-йоги в физическом воспитании студентов специальных медицинских групп в педагогическом вузе // Теория и практика физической культуры, 2009.-№8.-с.-18., Ассекретова М. А. Инновации в системе физической культуры /В сб. Физическое развитие студентов в современном мире Материалы межд. Научно-практической конференции, с-Петербург, 2019, с. 359-361., Кривошекова О.Н., Бабинов С.Е.,Крылова Т.И.,Якименко С.Н.,-Динамика физического развития и заболеваемости обучающихся вуза./О.Н. Кривошекова,// Ученые записки университета имени П.Ф.Лестгафта.-2018.- №10(164), с. 145-147., Якименко С.Н. – Дифференцированный подход к использованию физических средств восстановления. //Теория и практика физической культуры, 2005, №10, с. 46-48., Григорьева И.Н. Распространение Вич-инфекции как следствие падения нравственных ценностей.//материалы межд. научно-практической конференции 11-12 апреля 2019 г. С-петербург.,с. 190-193.

<sup>4</sup>Спирин В.К. – Оптимизация восстановления сердечно-сосудистой системы путем применения упражнений на растягивание

В.А.Лаптев (2003), Панков ва бошқалар томонидан нафақат жисмоний тайёргарлик даражасининг пасайиши, балки саломатлик ҳолатига кўра махсус тиббий гуруҳга тааллуқли бўлган талабалар сони ошганлиги аниқланган<sup>5</sup>.

Т.С.Усманходжаев, И.А.Кошбахтиев., Р.И.Нуримов, И.В.Бабичева, О.Л. Эрдонов каби олимлар томонидан талаба-ёшларнинг саломатлигига салбий таъсир қилувчи қуйидаги омиллар аниқланган: ўқув машғулоти ва дам олиш учун вақтнинг ноқиллона тақсимланиши, тикланиш учун дам олишдан самарасиз фойдаланиш, пассив дам олиш шакллари кўп қўлланилиши, зарарли одатларга берилиш, хонада мунтазам узоқ вақт бўлиш оқибатида кислород етишмаслиги (гипоксия). Булар талаба ёшларни асабийлашган ҳолатга, эмоционал ва психик зўриқишига ва нохуш, баъзан эса, саломатлигида муқаррар нуқсонларнинг пайдо бўлишига олиб келади<sup>6</sup>.

Саломатлик ҳолатида аниқланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, талабалар орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилишни тарғиб этиш ўзини оқлайди ва илмий асосланган ҳисобланади. Вазифа шундан иборатки, ҳар бир инсонга саломатлик ҳолати ва ёшга хос хусусиятларига мос келадиган жисмоний машқлар мажмуи, айниқса, соғломлаштирувчи гимнастика турлари тавсия қилиниши зарур. Шу сабабдан Ю.В.Менхен, А.В.Менхенлар олий мактабнинг вазифаси назарий билимлар, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш билан биргаликда талабалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат, деб ҳисоблашади<sup>7</sup>. Таъкидлаш жоизки, талаба-ёшлар жисмоний тарбияни касалликларни олдини олиш, жисмоний ишчанлик ҳолатини, жисмоний тайёргарлик даражасини сақлаш ва мустаҳкамлаш, “мослашувчанлик ўзагини” ҳосил қилишдаги, ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирига нисбатан юқори мослашувчанлик имкониятларини таъминлашдаги аҳамиятини тўлиқ англаб етишмайди.

**Диссертация мавзусини тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг “Жисмоний тарбия ва спортнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уларни янгилаш тактикаси ва стратегияси” мавзуси доирасида фундаментал лойиха бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** соғломлаштирувчи гимнастика воситалари ёрдамида талаба-қизларнинг жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини корекциялашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талаба ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга

---

скелетных мышц // Теория и практика физической культуры, 2004, №5, с. 12-14., Семенов Л.А., Миронова С.П. «Паспорт физической подготовленности студента» как средство обратной связи в процессе управления физическим воспитанием в вузе // Теория и практика физической культуры, 2006. - №5. - С. 3-5., Беляева Д.А. Методика коррекции избыточной массы тела у студентов // Теория и практика физической культуры, 2007, №9 с.61-62.

<sup>5</sup> Лаптев В.А. Панков – Педагогические аспекты здорового образа жизни студентов. в сб. VII Международный научный конгресс «Современный Олимпийский спорт и спорт для всех» М., 2003 с.85.

<sup>6</sup> Усманходжаев Т.С. Кичкинтойларга гимнастика ва массаж Тошкент, «Янги аср авлоди» 2009й., Кошбахтиев И.А., Нуримов Р.И., Бабичева И.В., Эрдонов О.Л., Применение современных информационных технологий в образовательном процессе по физическому совершенствованию студентов // вестник ТУИТ. – Ташкент, 2007. - №2.- С.92-94.,

<sup>7</sup> Менхен Ю.В., Менхен А.В. - Оздоровительная гимнастика: теория и методика М: Физкультура и спорт, 2009, -с. 169-185, 237.

бўлган муносабатлари ва унга жалб қилинганликлари, морфологик ва функционал кўрсаткичлар индексларини ҳисоблаш услубидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг саломатлик ҳолатини ўрганиш;

олий таълим муассаларида таҳсил олувчи талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини оширишга қаратилган соғломлаштирувчи гимнастика воситаларини тизимлаштириш асосида машғулотларни ўтказиш ва ташкил этиш хусусиятларини аниқлаш;

жисмоний сифатлар кўрсаткичи асосида талабаларнинг жисмоний ривожланиш ҳолатини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш;

соғломлаштирувчи гимнастика воситаларидан (фитнес-аэробика) фойдаланган ҳолда, талаба ёшларнинг жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини коррекциялаш дастурини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини тажрибада аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** спортга ихтисослашмаган ОТМда таҳсил олувчи талаба ёшларни жисмоний ривожлантириш ва соғломлаштириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** соғломлаштирувчи гимнастика воситалари орқали талаба ёшларни жисмоний ривожлантириш ва коррекциялаш.

**Тадқиқотнинг усуллари:** илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, анкета-сўров, морфологик ва функционал индекслар асосида талабаларнинг саломатлик даражасини баҳолаш, педагогик тажриба, педагогик тестлаш, математик статистика усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

олий таълим муассаларида таҳсил олувчи талаба-ёшларнинг соғломлаштирувчи гимнастика машғулотлари асосида “классик аэробика”дан “фитнес аэробика” машғулотларининг организм функционал ҳолатига таъсир этиш кўрсаткичлари саломатликни тиклашда (коррекциялашда) самарадорлиги аниқланган;

олий таълим муассаларида таҳсил олувчи талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш даражасида соғломлаштирувчи гимнастика воситаларини тизимлаштириш асосида фитнес аэробика машғулотларни мазмуни (машқлар орасидаги дам олиш оралиқлари, қайси машқни қайси шиддатда бажариши) ва хусусиятлари организмни толиқиш ва қайта тикланиш вақтини ўзгариши ҳисобига оптималлаштирилган;

талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар асосида тезкор ахборот олиш имкониятини берувчи экспресс баҳолашнинг (жисмоний тайёргарлиги ва функционал кўрсаткичларини уйғунлаштирган) янги шкаласи (тестлар ва ўлчов бирлигида) ишлаб чиқилган;

талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик даражасини коррекциялаш асосида шуғулланувчиларни имкониятларидан келиб чиқиб фитнес аэробика машғулотлар дастури синхронлаштирилган элементларни комбинациялаш ҳисобига такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

талабаларнинг индивидуал жисмоний ва функционал тайёргарлигини



инобатга олган ҳолда жисмоний ривожланиш даражасини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган;

жисмоний тарбия бўйича ўқув жараёнида коррекциялаш учун самарали воситаларни қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

саломатлик ҳолатидаги айрим ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда махсус машқлар мажмуалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув жисмоний тарбия машғулоти назарияси ва услубияти соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларнинг жисмоний саломатлик даражасини жисмоний тарбия воситалари ёрдамида коррекция қилиш, саломатликни мустаҳкамлаш ва касалликларни олдини олишни таъминлаш муаммоларига тааллуқли жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани мазмунини бойитади ҳамда кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар асосида ишлаб чиқилган талабаларнинг жисмоний ривожланиш даражасини баҳолаш шкаласи, ортиқча вазнга эга бўлган талаба-қизлар учун оптимал жисмоний юктамалар параметрлари, тузилмаси ва катталиклари, махсус машқлар мажмуалари саломатлик ҳолатидаги айрим оғишларни манзилли нозологик коррекциялашга қаратилган алоҳида гуруҳларни шакллантириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.**

Талаба ёшларни гимнастика воситалари орқали соғломлаштириш услубиятини ишлаб чиқишга қаратилган тажриба тадқиқотлари асосида:

талаба-ёшларни жисмоний ривожланиш даражасини ошириш ҳамда жисмоний саломатлиги ҳолатини коррекция қилиш бўйича фитнес- аэробикага асосланган соғломлаштирувчи таклифлар “Спорт педагогик маҳоратини ошириш (гимнастика)” номли ўқув қўлланма нашр этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-296 рақамли гувоҳномаси). Натижада талаба ёшларнинг саломатлик кўрсаткичларида гимнастика воситалари орқали босқичма-босқич ўзлаштириш учун замин яратилган ва талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш, функционал ҳолати 16-18% яхшиланган;

фитнес аэробика машғулотларни мазмуни ва хусусиятлари организмни

толиқиш ва қайта тикланиш вақтини ўзгариши ҳисобига оптималлаштирилиб, таклиф ва тавсиялар “Спорт педагогик маҳоратини ошириш (гимнастика)” номли ўқув қўлланма чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-296 рақамли гувоҳномаси). Натижада талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш даражасини аниқлаш самарадорлиги 14% ошган;

талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар асосида экспресс баҳолашнинг янги шкаласи ёрдамида тезкор ахборот олиш имконияти бўйича услубий тавсиялар Урганч давлат университети, Қарши давлат университети, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент архитектура ва қурилиш институтида таҳсил олувчи талаба ёшларни жисмоний ривожлантириш ва соғломлаштириш дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги 89-03-2572 сон маълумотномаси). Натижада талаба-қизлар қўлларининг мушак кучи 7,7%га ошган;

талаба-ёшларнинг фитнес аэробика машғулотларини ўтказиш ва уни ташкил этишда жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини коррекциялаш дастурини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосида “Спорт педагогик маҳоратини ошириш (гимнастика)” номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-296 рақамли гувоҳномаси). Натижада тадқиқот гуруҳларидаги талаба-қизларда тана вазн индекси камайиши (6.18%), куч сифатларини 14.02%, тезлик-куч сифатини 11.4% га, эгилувчанлик сифатини 4.1% га ўсиши кузатилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий-услубий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола (3 республика ва 1 хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 4 та бобдан иборат бўлиб, 127 саҳифали матн, 16 та расм, 8 та жадвал, 2 та схема, хотима, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуси тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот

натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ҳолати ва ОЎЮда ўқиш даврида талабаларнинг саломатлик ҳолати кўрсаткичлари таҳлили”** деб номланган биринчи боби талаба-ёшларнинг олий ўқув юртида таҳсил олиш давридаги жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва жисмоний тарбия воситалари, жумладан, соғломлаштирувчи гимнастика воситалари орқали уларни соғломлаштириш йўлларига бағишланган.

Олий таълим муассасаларида ўқиш даврида гипокинезия, гиподинамия ва турли хил салбий омиллар таъсирига дуч келувчи талаба-ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг функционал ҳолати ва жисмоний ривожланишини ошириш муаммоси долзарб ҳисобланади ҳамда уни ҳал этиш учун янги ёндашувларни тақозо этади. Кўтарилган муаммонинг долзарблиги МДХ давлатлари олий ўқув юртлари талабаларининг доимий педагогик-психологик ва тиббий текширувлари натижалари билан ҳам тасдиқланади. Аниқланишича, 30% дан 50% гача талабалар саломатлик ҳолатида у ёки бу нуқсонларга эга, уларнинг айрим қисмида эса сурункали касалликлар аниқланган [В.К.Спирин, 2000; О.И.Альбокринова, 2003; А.П.Лаптев, В.А.Панков, 2003; Л.А.Семенов, С.П.Миронова, 2006; Д.Д.Беляева, 2007; А.К.Намазов, 2016; В.Д.Паначев, А.П.Морозов, 2016; И.В.Жукова, 2018; Н.В.Васенков, 2018; Л.А.Лопатин, 2019 ва бошқалар]. Ундан ташқари, ўқув машғулоти ва дам олиш учун вақтнинг ноқиллона тақсимланиши, дам олиш вақтидан тикланиш учун самарасиз фойдаланиш, пассив дам олиш шакллариининг устунлигини ҳам эътироф этиш жоиз, бу доимий асаб, эмоционал, психик зўриқишни келтириб чиқаради ва нохуш, баъзан эса саломатлик ҳолатида тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунини эътироф этиш лозимки, талаба ёшлар касалликларни олдини олишда, жисмоний ҳолатни сақлаб туришда, жисмоний тайёргарлик ҳолатини сақлашда, бутун ҳаёт давомида сақланиб қоладиган, ташқи муҳитнинг турли хил салбий таъсирларига юқори мослашиш имкониятларини таъминлайдиган “мослашиш ўзагини” ҳосил қилишда айнан жисмоний тарбиянинг аҳамиятини ҳалигача тўлиқ англаб етишмаган. Илмий тадқиқотларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, аксарият ишлар талабаларнинг соғлом турмуш тарзи асосларига бағишланган, спортга ихтисослашмаган олий ўқув юртларида таҳсил олувчи талабаларнинг саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиши юзасидан мақсадли мониторингни олиб борувчи тадқиқотлар деярли йўқ.

Бироқ шунини эътироф этиш лозимки, республика олий ўқув юртлари ўқув дастурларида жисмоний тарбия бўйича ўқув соатларининг камайиши содир бўлмоқда, баъзи тоифадаги талабалар учун жисмоний тарбия машғулоти ҳаракат фаоллигини сақлаб туришнинг ягона йўли ҳисобланади. Ундан ташқари, ОЎЮларида талаба ёшларнинг саломатлиги ҳолатида мавжуд турли хил нуқсонларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг жисмоний ривожланиш даражаси эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ягона

машғулотлар услубияти йўқ.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва уни ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўров, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, инструментал усул, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, тадқиқотни ташкил қилиниши, олинган материалларни қайта ишлаш бўйича математик статистика усулларида фойдаланилганлиги ҳамда талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш даражаси билан бирга саломатлик даражасини ақс эттирувчи кўрсаткичларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган баҳолаш шкаласининг мазмуни баён қилинган.

Тадқиқот ишлари 2017-2020 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди:

Биринчи босқичда (2017-2018 й.) диссертация мавзуси бўйича илмий-услубий адабиётлар ўрганилди ҳамда ишчи фаразни шакллантириш, тадқиқот объектини аниқлаш, илмий текшириш усуллари танлаш ва вазифаларни шакллантириш амалга оширилди.

Иккинчи босқичда (2018-2019 й.) талабалар аудиториясини жисмоний тарбия машғулотларига жалб қилинганлиги ва муносабатини аниқлаш мақсадида анкета-сўров ташкил этилди. Ўзбекистон Давлат Консерваторияси, Тошкент архитектура қурилиш институти, Қарши Давлат Университети, Урганч Давлат Университетининг тиббиёт ходимлари ёрдамида талабаларнинг саломатлиги ҳаётининг муҳим бўлган жисмоний сифатларни баҳоловчи ишончли педагогик тестлар орқали баҳоланди, уларнинг саломатликларида мавжуд бўлган оғишлар ташхис қилинди.

Учинчи босқичда (2020 й.) саломатлик ҳолатида оғишлари бўлган талаба ёшларининг жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини коррекциялаш дастури қўлланилгандан сўнг, уларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик ҳолати бўйича яқуний баҳолаш ишлари олиб борилди. Дастурнинг тузилишига кўра бир-бирига ўхшаш, соғломлаштирувчи аэробиканинг (фитнес-аэробика) йўналиши ҳисобланади, бироқ, шунга қарамай, бажарилиш тамойиллари ва услубиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Такдим этилган дастурда машғулотлар ўтказиш схемасининг ҳар бир қисмининг мазмуни берилиб, уларда ажратилган вақт регламенти, машғулотнинг ҳар бир босқичидаги вазифалари ва уларнинг тузилишини оптимал нисбатлари ўз исботини топган. Барча олинган тадқиқот натижалари математик статистика усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг жисмоний ишчанлик қобилияти ва саломатлигини баҳолашга комплекс педагогик ва морфофункционал ёндашувдан фойдаланиш”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган анкета-сўров асосида олинган тадқиқот натижалари ёритилган. Жисмоний тарбия жараёнига Қарши Давлат Университети (ҚарДУ), Ўзбекистон Давлат Консерваторияси (ЎзДК), Тошкент Давлат архитектура қурилиш институти (ТАҚИ), Урганч Давлат Университетининг (УрДУ) спортга ихтисослашмаган факультетларида таҳсил олувчи талабаларнинг жалб қилинганлиги даражаси ва муносабатлари ҳамда шахсий саломатлик даражаларини баҳолаш юзасидан


олинган натижалар баён қилинган.

Ўтказилган анкета-сўровида жами 200 нафар талаба-қизлар иштирок этишди. ҚарДУ математика факультети талаба қизларининг 61.4% жисмоний тарбия билан фаол шуғулланишлари, 23.3% жисмоний тарбияга бефарқлиги, 15.2% машғулотларга салбий муносабат бўлиши аниқланган.

Тошкент архитектура қурилиш институти талаба қизлари орасида ўз саломатлигини ижобий баҳоловчи, спорт билан фаол шуғулланувчилар улуши 55.9% ни, жисмоний тарбияга ижобий муносабат билдирганлар 41.1% ниташкил қилди.

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида жисмоний тарбия билан фаол шуғулланувчи қизлар эса 52.2% ни ташкил этди. УрДУда спорт билан шуғулланувчи ва шуғулланмайдиган қизлар 25.5% дан иборат бўлди, вақти-вақти билан шуғулланувчилар эса 25.5% ни ташкил қилди, 24.5% талаба қизлар жисмоний ҳолатни сақлаб қолиш учун спорт билан шуғулланишлари аниқланди.

Юқорида келтирилган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган қизларнинг саломатлик даражаси Апанасенко усули билан аниқланди. Биз ҚарДУ математика факультетининг 50 нафар талабаларининг морфологик ва функционал индексларини аниқладик (1-расмга қаранг).



Изоҳ: 1-тест – Кетле индекси, 2-тест – ХИ, 3-тест – куч индекси, 4-тест – Робинсон индекси, 5-тест – тикланиш вақти

### 1-расм. Қарши Давлат Университети талаба қизларининг соматик саломатлиги даражасини экспресс-баҳолаш

Кетле индекси бўйича тана массасининг меъёрга мос келиши 66,7%, ўртадан паст даражаси 14,8%, ўртадан юқори даражаси 11,1% ва тана вазнининг етишмаслиги 7,4% эканлиги аниқланди. Тана вазни ортиқча бўлган қизлар топилмади.

Ҳаётий Индекс кўрсаткичи бўйича қуйидаги тақсимланиш аниқланди: 55,5%ни Ҳаётий Индекснинг паст даражаси, 18,5%ни, ўртадан паст, 11,2%ни ўрта даража 7,4%ни, ўртадан юқори, 7,4%ни ташкил этди. Ҳаётий индекс ривожланишининг юқори даражаси аниқланди. Қолган даражалар аниқланмади.

Куч индексини ифодаловчи тест натижаларига кўра 81,5% қўллар мушакларининг кучи ўртадан паст даражада, 18,5% да меъёрга мос ўрта даражада эканлиги аниқланди, қолган даражадаги куч индекслари аниқланмади.

Робинсон индекси бўйича организмнинг заҳира имкониятлари ёки энергия салоҳияти ўрганилганида 62,9% ўртадан юқори, 18,5% ўрта ёки меъёр даражасида,

14,8% юқори даражада, 3,8% ўртадан паст даражада эканлиги аниқланди.

Юрак қисқаришлари частотасини 30 сек ичида бажарилган 20 та ўтириб-туришлардан сўнг тикланиш вақти 74,1% юқори даражада, 25,9% ўртадан юқори даражада эканлиги ва уларнинг тикланиш кўрсаткичлари яхши эканлиги аниқланди.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-қизларнинг саломатлик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг саломатлик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили (n=200), (%)

Тестлар	Апанасенко бўйича тест натижалари	Олий таълим муассасалари			
		ТАҚИ	ЎзДК	ҚарДУ	УрДУ
I тест Тана вазн-бўйининг индекси (P/L <sup>2</sup> )	Ортиқча вазн	12,5	3,8	-	12,7
	Меъёр	62,5	62,9	66,7	63,6
	Ўртадан юқори	12,5	3,7	11,1	
	Ўртадан паст	12,5	25,9	14,8	22,7
	Кам вазнлик	-	3,7	7,4	5,7
II тест Ҳаётинг индекси ЎТС(мл)/вазн	Юқори	-	14,8	7,4	18,2
	Меъёр	37,5	59,3	11,2	22,7
	Ўртадан юқори	37,5	7,4	7,4	13,6
	Ўртадан паст	12,5	14,8	18,5	20,5
	Паст даражада	12,5	3,7	55,5	25
III тест Куч индекси	Юқори	-			9
	Меъёр	37,5	3,7	18,5	4,5
	Ўртадан юқори	-	-	-	11,4
	Ўртадан паст	50	34,3	81,5	36,5
	Паст даражада	12,5	62	-	38,6
IV тест Робинсон индекси	Юқори	12,5		14,8	15,9
	Меъёр	-	37	18,5	18,2
	Ўртадан юқори	-	29,6	62,9	29,4
	Ўртадан паст	62,5	25,9	81,5	27,3
	Паст даражада	25	7,4	9	9
V тест Мартине синови	Юқори			74,1	-
	Меъёр	14,4	2,4	-	52,5
	Ўртадан юқори	5,2	4,1	25,9	11,4
	Ўртадан паст	35,1	37,1	-	31,8
	Паст даражада	45,3	55,5	-	4,5

Изоҳ: ТАҚИ – Тошкент архитектура ва қурилиш институти, ЎзДК – Ўзбекистон Давлат Консерваторияси, ҚДУ- Қарши Давлат университети, УрДУ- Урганч Давлат Университети.

Ортиқча тана массасига эга бўлган талабалар ЎзДКда 24.0% ни ва ТАҚИ да 10.0% ни ташкил қилди.

Вазн-бўй кўрсаткичи барча ОЎЮ қизларида “ўртача” даражада баҳоланди: ТАҚИ қизларида – 62.5%; ЎзДКда – 62.9%; ҚДУда – 66.7%; УрДУда – 63.6%. Ортиқча вазнли қизларнинг сони ТАҚИ ва УрДУ қизлари орасида тенг тақсимланган бўлиб, мос равишда 12.5% ва 12.7% ни, ЎзДКда

таълим олаётган қизларда эса –3.8% ни ташкил этди.

Ҳаётий индекси бўйича қизларнинг аэроб имкониятлари куйидагича тақсимланди: олий даража УрДУ қизларида -18.2%, ЎзДК қизларида-14.8% ва ҚДУ қизларида -7.4% учради. ҲИ бўйича ўрта меъёр даражасининг энг юқори кўрсаткичи ЎзДКда таълим олаётган 59.3% қизларда аниқланди; 37.5% ТАҚИ талаба қизларида, 22.7% УрДУ қизларида ва 11.2% ҚДУ қизларида намоён этилди. Меъёрга мос келадиган ушбу кўрсаткичлар нотекис тақсимланганлиги аниқланди.

Ҳаётий индексининг энг паст ривожланганлиги ЎзДК қизларида аниқланди, “паст” даражада ривожланиш энг кўп ЎзДКда таҳсил олаётган қизларида - 62.0%, сўнг УрДУ қизларида - 38.6% ва ТАҚИ қизларида 12.5% ни ташкил қилди.

Робинсон индекси бўйича олинган натижаларни қиёсий таҳлил қилиш, энергопотенциали олий даражада ривожланган қизларнинг сони катта эмаслигини ва белгини тақсимланиши деярли бир хил эканлигини кўрсатди.

Мартине синовини бўйича энг яхши натижалар ҚДУ қизларида аниқланди - 74.1%, “ўртача” даража 52.5% ЎзДК ва УрДУ қизларида, ТАҚИ қизларининг 14.4% да аниқланди. Юрак-қон томири тизимининг имкониятлари паст даражада ривожланганлиги ТАҚИнинг 45.3% ва ЎзДКнинг 55.5% талабаларига тааллуқлидир.

ҚДУ қизларида (55.5%), сўнг УрДУ қизларида (25.0%), ТАҚИ қизларида (12.5%) учраши кузатилди.

Куч индекси 37.5% ТАҚИ талаба қизларида, 18.5% ҚДУ қизларида, мос равишда 3.7% ва 4.5% ЎзДК ва УрДУ қизларида меъёрга тенг бўлди. Куч индексини “Ўртадан юқори” даражада ривожланиши фақат 11.4% УрДУ талаба-қизларида, “ўртадан паст” ривожланиш даражаси аниқланилди.

Урганч Давлат Университети талаба ёшларнинг морфофункционал ва педагогик тестлар ёрдамида аниқланган жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари 2-жадвалда берилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, талабаларнинг тинч ҳолатдаги кардиогемодинамика кўрсаткичлари қон айланиши тежамкорлиги паст бўлган тренировка қилмаган одамлар учун хос ёш меъёрлари чегарасига мос келади.

Функционал синов - Мартини синовига юрак-қон томир тизимининг реакцияси томир уриши ва томир босимининг ўртача 40-50% га ошишида намоён бўлди. Аксарият талаба-қизларда томир уриши ва артериал босими (АБ) 3-минутнинг охирига бориб тикланди. Бу параметрларнинг ўзгариш характери ва тикланиш вақти нормотоник типдаги реакциядан далолат беради, бу “яхши” баҳога мос келади. Афтидан, 30 сек давомида 20 марта ўтириб-туришларни бажариш каби қўлланилган синов соғлом қизлар тоифаси учун етарли юкламага эга эмас, шу сабабли ушбу тест башорат қилиш учун яроқли эмас. Шу билан бирга 42.0% ноадекват реакция аниқланди, бу ЮҚС ҳамда АБ кўрсаткичларининг ошишида ва кечроқ(5 минутдан кўпроқ вақт ичида) тикланишда намоён бўлди. Бу, юкломани бажариш учун юрак-қон томир тизимининг мослашиш имкониятлари чегарасини паст эканлигидан далолат

беради. Жисмоний ишчанлик қобилиятини янада ишончли баҳолаш учун биз Гарвард степ-тести индексидан фойдаландик. Синовдан ўтган қизларда ГСТИ қиймати 50 дан паст бўлди, бу ишчанлик қобилиятини паст даражада эканлигини билдиради.

2-жадвал

**УрДУ физика-математика ҳамда табиий фанлар факультети  
талаба-қизларининг морфофункционал ва жисмоний ривожланиш  
кўрсаткичлари (n=200)**

Тайёргар-лик турлари	т/р	Текширилаётган кўрсаткичлар	Статистик кўрсаткичлар	
			$\bar{X} \pm m$	$\sigma$
Морфофункцио-нал	1.	Тана узунлиги, см	162,3±0,38	5,5
	2.	Тана оғирлиги, кг	58,2±0,60	8,5
	3.	Кўкрак қафаси айланаси, см	84,3±0,48	6,7
	4.	Кўкрак қафаси экскурсияси, см	6,8±0,14	2,0
	5.	Ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), л	2,8±0,03	0,5
	6.	Максимал кислород истеъмоли (МКИ), л	3.23±0,10	0.7
	7.	Юрак қисқаришлари частотаси (ЮҚС) зарба/мин.	74,2±0,60	3,6
	8.	Систолик босим, мм.сим.уст.	110,7±0,75	10,2
	9.	Диастолик босим, мм.сим.уст.	66,2±0,60	8,5
	10.	Жисмоний ишчанлик қобилияти Гарвард степ-тести бўйича (ГСТИ)	44,7±0,36	0,5
Жисмоний ривожланиш	11.	Ўнг қўл кучи, кг	30,0±0,42	6,0
	12.	Чап қўл кучи, кг	27,4±0,40	5,9
	13.	30 м стартдан югуриш, сек	5,7±0,04	0,5
	14.	100 м югуриш, сек	16,9±0,14	1,4
	15.	500 м (қизлар), югуриш, м/с	140,6±2,12	18,4
	16.	Турган жойдан узунликка сакраш, см	158,5±0,90	13,8
	17.	120 м моқисимон югуриш (4x30), сек	27,5±0,25	3,3

500м югуриш натижалари белгиланган меъёрлардан мос равишда 18.5% паст бўлди. Моқисимон югуриш вақти ушбу ёш гуруҳлари учун белгиланган натижадан 22.0% ёмон бўлди. Қизларда кузатилган нисбатан юқори даражадаги оёқларнинг портловчан кучи паст даражадаги тезкорлик ва куч чидамлилиги билан бирга кўзга ташланади.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланишини ўзига хос тузилишга эга эканлигини инобатга олиб, биз спортга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талаба-ёшларнинг дастлабки жисмоний ривожланишва саломатлик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқдик. Ушбу баҳолаш шкаласи бўйича маълумотлар 3-жадвалда келтириб ўтилган.



**Талаба-қизларнинг жисмоний ривожланиш даражасини  
баҳолаш шкаласи**

Т/р	Тестлар ва ўлчов бирлиги	Баҳолаш даражаси		
		«қониқарли»	«яхши»	«аъло»
1.	Гарвард степ-тести индекси, (бирлик)	39,4-41,9	42,0-47,4	47,5-50
2.	30 м югуриш (сек)	6,0-5,8	5,7-5,3	5,2-5,0
3.	100 м югуриш (сек)	19,3-18,6	18,5-17,1	17,0-16,3
4.	Турган жойидан узунликка сакраш (см)	145-152	153-167	168-182
5.	Танани 30 сек ичида кўтариш (марта)	8-12	13-21	22-26
6.	30 сек ичида 20 марта ўтириб-туришдан сўнг ЮҚЧнинг тикланиш вақти (Мартине)	3 ва кўпроқ	2	1,3-1,7

Жадвалда биз томонимиздан таклиф қилинаётган баҳолаш шкаласи 6 та тест натижалари бўйича қизларнинг жисмоний ривожланиш даражасини аниқлашга имкон беради. Бундай ёндашув бир хил даражадаги ҳаракат тайёргарлигига эга талабалардан гуруҳлар шакллантириш имконини берди. Жисмоний ривожланиш даражаси “қониқарли” баҳодан паст, шунингдек, юрак-томир тизимининг мослашиш имкониятлари паст бўлган, етарлича қувватдаги ишни бажаришга қодир бўлмаган ва жисмоний ишчанлик қобилияти индекси “бўш” деб баҳоланаётган талабаларга жисмоний юкламаларни авайлайдиган режимда бериш лозим.

Тадқиқот жараёнида Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талаба-ёшларни жисмоний ривожланиш даражасини аниқлангандан сўнг, Урганч Давлат Университетида таҳсил олувчи талаба-ёшларни жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини коррекциялаш мақсадида машғулотларидан ташқари вақтларда тўрт ойлик машғулот дастури ишлаб чиқилди ва ушбу машғулот дастуридаги машқларнинг бажарилиш машғулотлар кетма-кетлигида бажарилишини 4-жадвалда батафсил кўриб чиқамиз.

Жадвалда машғулотлардан ташқари вақтларда ҳафтасига 3та машғулотни ташкиллаштириш режалаштирилган. Дастурда ҳар бир машғулот учун 16 та машқлардан иборат мажмуа тавсия этилган. Ҳар бир машғулотда бир томонлама етакчи оёқни ўзгартирмаган ҳолда қадам ва элементлар мажмуасидан 6 та, етакчи оёқни ўзгартирган ҳолда қадам ва элементлардан 5 та, жойда юриш ва синхронлаштирилган элементлар комбинациясидан 2 та, жойда юриш ва оёқларни кўтариш элементлари комбинациясидан 3 та машқ, иккинчи ва учинчи машғулотларда эса 6; 5; 2; 3 тадан машқлар кетма-кетлигида бажарилиши тақсимланган.

**Республика олий таълим муассасаларида тахсил олувчи талаба-ёшларни соғломлаштирувчи гимнастика  
воситалари орқали жисмоний ривожланиш ва саломатлик даражасини корrekциялаш бўйича тўрт ойлик  
МАШГУЛОТ ДАСТУРИ**

Т/р	Машқлар номи	Бўйрук берил номи	Меъёри	Машгулотлар		
				1	2	3
<b>I. Етакчи оёқни ўзгартирмаган ҳолда қадам ва элементлар (бир томонлама)</b>						
1.	Жойида ва ҳаракатда юриш (сонни баланд кўтармасдан, оёқ учи ердан узилади)	March		+		+
2.	Уч қадам олдинга, иккинчи оёқ қўйилади, уч қадам орқага иккинчи оёқ қўйилади	March front-back		+	+	
3.	Жойида юриш, оёқлар керилган	Out			+	
4.	Икки қадам (оёқлар керилган), икки қадам (оёқлар жуфт) ҳаракатланишсиз	Out-in				+
5.	Икки қадам олдинга (оёқлар керилган), икки қадам орқага (оёқлар жуфт)	V-Step				
6.	Икки қадам орқага (оёқлар керилган), икки қадам олдинга (оёқлар жуфт)	A-Step			+	
7.	Биринчи оёқ олдинга-орқага ҳаракатланади, иккинчи оёқ жойида	Mambo		+		+
8.	Олдинга қадам, икки қадам орқага, иккинчи оёқ билан олдинга қадам, икки қадам орқага (стел-аэробикасидаги каби)	6 Point-Mambo	16 хисобда		+	
9.	Олдинга қадам, 180 градусга бурилиш, олдинга қадам, 80 градусга бурилиш (иккинчи оёқ жойида ҳаракатланади)	Pivot		+		+
10.	Икки қадам олдинга (оёқлар жуфт), икки қадам орқага (оёқлар жуфт) (Товондан тўлиқ оёққа олдинга қадам, оёқ учидан оёққа орқага қадам)	Basic-step			+	
11.	Олдинга чалиштирма қадам, ёнга қадам, икки қадам билан Д.Х. кайтиш	Box-step (cross-step)		+		+
12.	Ёнга (олдинга) қадам, олдинга чалиштирма қадам, икки қадам орқага билан Д.Х. оёқлар керилган ҳолатга қайтиш	Jazz-square (step-cross)			+	
13.	Оёқни олдинга кўтариш, икки қадам (“бир”, “икки” хисобга)	Kick Ball Change		+		+
<b>II. Етакчи оёқни ўзгартирган ҳолда қадам ва элементлар (билатерал)</b>						
1.	Ёнга қадам, иккинчи оёқ оёқ учида	Step Touch				+
2.	Иккига жуфтлама қадам ёнга (бир қадам ёнга, оёқлар жуфтланади, худди шу йўналишда бир қадам ёнга, оёқлар жуфтланади)	Double Step Touch	16 хисобда	+	+	
3.	Бир оёқ билан ёнга қадам, иккинчи оёқни тизада букилган ҳолатда кўтариш (сон полга параллел, кўтарилган оёқнинг учи полга йўналтирилган)	Knee Up				+

## 4-жадвалнинг давоми

4.	Ёнга кадам, оёқни олдинга кўтариш	Kick						
5.	Ёнга кадам, оёқни ёнга 45 градустга кўтариш (таянч оёқ тиззада букилган, гавда вертикал ҳолатда)	Lift side				+		
6.	Ёнга кадам, оёқни букиб, тизза ерга, товонни думгаза томон йўналтириш	Curl						+
7.	Ёнга кадам, иккинчи оёқ оёқ учига жойида	Open Step				+		
8.	Ёнга кадам, олдинга (орқага) оёқ учини текказиш	Toe Touch					+	
9.	Ёнга кадам, товон олдинга	Heel Touch						+
10.	Ёнга кадам, орқага чалиштирма кадам, ёнга кадам, оёқларни жуфтлаш	Grapevine				+		
11.	Жойида “бир”, “икки” санокда 3 кадам босиш	Cha-cha-cha					+	
12.	Ҳаракатда “бир”, “икки” санокда 3 кадам босиш	Shasse				+	+	+
<b>III. Жойда юриш ва синхронлаштирилган элементлар комбинацияси</b>								
1.	Бир оёқ билан олдинга кадам, иккинчи оёқ жойида, 3та тез кадам босиш (“бир”, “икки” ҳисобда)	Mambo cha-cha-cha					+	+
2.	Бир оёқ билан олдинга кадам, иккинчи оёқ жойида, 3та тез кадам босиш (“бир”, “икки” ҳисобда)	Mambo Shasse				+		
3.	3та тез кадам ҳаракатда (“бир”, “икки” ҳисобда), бир оёқ билан бир кадам орқага, иккинчи оёқ жойида	Shasse Mambo back					+	+
4.	3та тез кадам ҳаракатда (“бир”, “икки” ҳисобда), бир оёқ билан бир кадам олдинга, иккинчи оёқ жойида	Shasse Mambo front					+	
<b>IV. Жойда юриш ва оёқларни кўтариш элементлари комбинацияси</b>								
1.	Бир кадам олдинга, оёқни тиззада букиб кўтариш, икки кадам орқага – Д.Х. қайтиш (сон полга параллел, кўтарилган оёқнинг учи полга йўналтирилган)	Knee Up						+
2.	Бир кадам олдинга, оёқни олдинга кўтариш, икки кадам орқага Д.Х. қайтиш	Kick					+	
3.	Бир кадам олдинга, оёқни букиб, тизза ерга, товонни думгаза томон йўналтириш, икки кадам орқага Д.Х. қайтиш	Curl						+
4.	Ёнга кадам, оёқни ёнга 45 градустга кўтариш (таянч оёқ тиззада букилган, гавда вертикал ҳолатда), икки кадам орқага Д.Х. қайтиш	Lift side					+	
5.	Бир кадам олдинга, иккинчи оёқни оёқ учига қўйиш, икки кадам орқага Д.Х. қайтиш	Open Step						+
6.	Бир кадам олдинга, оёқни орқага кўтариш, икки кадам орқага (гавдани букмасдан бажариш)	Back Lift				+		
7.	Д.Х. оёқлар жуфт ёнга оёқ учига тана вазнини бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказмасдан, Д.Х. қайтиш	Tap Side					+	
8.	Д.Х. оёқлар жуфт ёнга ташланиш ва Д.Х. қайтиш	Lunge						+

Жадвалда машғулотларни самарали бошқариш мақсадида ҳар бир бўлимдаги машқларни бажаришда фитнес-аэробика атамалари асосида буйруқ бериш тартиби бериб ўтилган.

Ҳар бир машғулот бўлимдаги машқларга асосланиб мусиқа жўрлигида 16 ҳисобда бажарилди ва машғулотлар қуйидаги қисмларга ажратилди: 1) чигалёзди машқлар - 10 мин; 2) аэроб қисми - 20 мин; 3) тўхталиш - 5 мин; 4) куч қисми - 20 мин; 5) яқунловчи қисм - 5 мин. Машғулотларни ташкил қилиш учун қуйидагилар таянч меъёрлар бўлиб хизмат қилиши мумкин: агар жисмонан соғлом кишилар учун юкламанинг ўртача жадаллик МКИ бўйича 70% ва ЮҚЧ бўйича 80% ни ташкил қилиши керак бўлса, тажриба гуруҳидаги қизларимиз учун ўртача жадаллик МКИ бўйича 60% ни ташкил қилди, машғулотлар суръати эса ҳафтасига 3 марта 60 минутдан иборат бўлиши мумкин. Ўтказиладиган машғулотлардан иккита мақсад кўзланади: биринчидан, ҳаракат фаоллиги етишмаслигини енгиш, чунки ортиқча вазнга эга қизлар, одатда, жуда пассив бўлади ва психологик ноқулайлик сезадилар. Иккинчидан, биз томонимиздан таклиф қилинган машқлар икки ёқлама таъсирга эга: а) организмга бевосита соғломлаштирувчи таъсир кўрсатади; б) метаболик жараёнларни меъёрлаштиради, зеро уларнинг бузилиши ортиқча ёғ тўпланишига сабаб бўлади. Мунтазам машғулотларни аста-секин ошириб бориш, рационал овқатланиш, кун тартиби ва фаол дам олиш эвазига яхши натижаларга эришиш мумкин.

Диссертациянинг **“Саломатлик ҳолатида оғишлар мавжуд бўлган талаба қизларни жисмоний тарбиялаш”** деб номланган тўртинчи бобида ритмик гимнастика, жумладан, классик аэробика ва фитнес-аэробика бўйича ҳар хил жадалликдаги дастурларни ортиқча вазнга эга бўлган талаба қизларнинг тана тузилиши, жисмоний ишчанлик қобиляти ва функционал ҳолати кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

Соғломлаштирувчи аэробика бўйича жисмоний машқларнинг узоқ вақт ва мунтазам таъсири ТГ ҳамда НГ қизлари организмнинг функционал ҳолатини яхшилашга имкон берди. ТГ да ЮҚС кўрсаткичи тажриба бошида минутига  $83,5 \pm 1,1$  зарбани ташкил қилган бўлса, тажриба охирида  $76,7 \pm 0,91$  зарбага тенг бўлди. Назорат гуруҳида ҳам ЮҚС нинг минутига  $83,1 \pm 1,77$  зарбадан минутига  $78,2 \pm 1,74$  зарбагача камайиши кузатилди. ЎТС кўрсаткичининг ижобий ишончли ўсиш динамикаси аниқланди, бу классик аэробика билан шуғулланувчи қизлар гуруҳида нафас олиш тизими иши яхшиланганлигидан далолат беради. Тажриба гуруҳида ЎТС нинг дастлабки даражаси  $2232,3 \pm 1,9$  мл ни ташкил қилди, тажрибадан кейин эса ЎТС қиймати  $2575,0 \pm 1,5$  гача етди ( $p < 0,001$ ). Назорат гуруҳида ҳам ЎТС қиймати  $2206,0 \pm 1,4$  дан  $2455,0 \pm 1,3$  мл гача ошди.

КМЎ кўрсаткичи НГ учун тажриба бошида  $18,85 \pm 1,2$  мл/мин/кг ни ташкил этди, классик аэробика машғулотларидан сўнг ушбу кўрсаткич қийматлари  $20,67 \pm 0,46$ , мл/мин/кг гача ортди, ТГ эса КМЎ қийматлари  $18,89 \pm 0,66$  мл/мин/кг дан  $21,52 \pm 1,1$  мл/мин/кг гача кўтарилди, бу ортиқча вазнга эга қизларнинг аэроб имкониятлари ошганлигидан далолат беради.

Агар тажриба бошида ТГ да ГСТИ бўйича жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари паст бўлган бўлса, ўтказилган соғломлаштирувчи аэробикадан кейин НГ қизларида ишчанлик қобилияти  $50,7 \pm 1,4$  дан  $58,7 \pm 1,7$  гача, ТГ да эса  $50,9 \pm 1,6$  дан  $60,4 \pm 1,8$  гача ошди, бу ушбу қизлар контингенти учун ижобий силжиш ҳисобланади.

Олинган жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари динамометрия маълумотлари билан ҳам тасдиқланади. Улар ҳам ўнг, ҳам чап қўл панжа кучининг ошганлигидан далолат беради. Чап қўл панжа кучи НГ да 1,2 кг га, ТГ да эса 1,8 кг ортди. Эътироф этиш лозимки, гавда кучи кўрсаткичлари бўйича ҳам натижалар ТГ да НГ га нисбатан юқорироқ. Гавда кучи қиймати ўсиши 3,49 кг ни ташкил қилди, яъни ТГ да дастлабки кўрсаткичлар  $38,6 \pm 1,21$  дан  $42,09 \pm 1,07$  гача етди, НГ да эса ўсиш 2,4 кг ни ташкил қилди. Ўтказилган ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, ТГ да гавда кучи 14,02% га ўсди, НГ да эса ўсиш 11,2% ни ташкил қилди. Эҳтимол ТГ да куч сифатларининг ўсиши мушак тўқимасининг ривожланиши билан боғлиқдир. Бу иккала текширилувчи қизлар гуруҳларида ҳам қайд қилинди. Шунингдек, ТГ да эгилувчанлик кўрсаткичининг ишончли ошганлиги аниқланди: тажриба бошида тик турган ҳолатдан пастга эгилишда кўрсаткич  $9,3 \pm 0,7$  см ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирида унинг қиймати  $13,6 \pm 0,9$  см га етди, эгилувчанлик сифатининг ўсиши 4,3 см ни ташкил қилди (5-жадвалга қarang).

Тажриба гуруҳида кўпроқ куч сифатларининг ўсиши кузатилди, бу нафақат гавда кучи ҳамда қўл панжалари динамометрияси кўрсаткичлари орқали тасдиқланади, балки тана мушак таркибининг ошиши билан ҳам тасдиқланади: тажриба гуруҳида ўсиш 1,01 кг га тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳида 0,6 кг тенг. Жисмоний ишчанлик қобилиятини таъминловчи интегратив тизим ҳисобланган кардиореспиратор тизим кўрсаткичларини қўллаб туриши учун қуйидаги муҳим жиҳатни эътироф этиш зарур: АБ кўрсаткичлари ҳам классик аэробика, ҳам фитнес-аэробика машғулоти вақтида машғулот юкламаларига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда ошиб борди. Машғулот вақтида юракнинг қон ҳайдаши ошиши ДБ га қараганда кўпроқ СБ га таъсир кўрсатди.

